УССР Давлат китоб палатаси
3 МАЙ 1992

Халқ дениздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ШАВВАЛ, 27-КУН. ● ШАМСИЙ, 1371 ЙИЛ, САВР, 10-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг рўзномаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1992 ЙИЛ 30 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА, 83-СОН • 334 • | НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН. СОТУВДА 1 СЎМ.

Пойтахт қурилишлари

● ТОШКЕНТ. «Сифат» тажриба-қурилиш бирлашмасига қарашли трестнинг 4-қурилиш-монтаж бошқармаси мутахассислари Сирғали-8 мавзеида 128 квартирали қуйма 16 қаватли уйнинг тўққиз қаватини тиклаб бўлдилар.

— Керамзит-бетондан қурилаётган бу уйга ўтган йил сентябрида пойдевор қўйилган эди, — дейди участка бошлиғи Александр Лапин. — Ҳозир режадан олдинда бораяпмиз. Сентябрь ойида уни битказиш ниятидамиз.

СУРАТЛАРДА: Сирғали-8 турар жой мавзеининг умумий кўриниши. Монтаж ишлари авжида.

С. ВЕЛИЧКИН олган сурат. (ЎзА).

РОССИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИСИ ТАЙИНЛАНДИ

МОСКВА, 29 апрель. (РАТА—ТАСС). Россия Федерациясининг Президенти Борис Ельцин Филипп Филиппович Сидорскийни Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлади. Бу ҳақда бугун РАТА—ТАСС маҳкамасига Россия Ташқи ишлар вазирлигидан хабар қилдилар.

Ф. Ф. Сидорский 1937 йилда туғилган, миллати рус. 1966 йилда СССР Ташқи ишлар вазирлигининг Москвадаги давлат халқаро муносабатлар илмгоҳини битирган, 1978 йилда эса СССР Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатия академиясини битирган.

1966 йилдан буён Ташқи ишлар вазирлиги тизимида ишлайди. СССРнинг Афғонистондаги, Эрондаги элчихоналарида турли лавозимларни эгаллаб турган. 1988 йилдан буён СССР, Россия Федерациясининг Афғонистондаги элчихонасининг маслаҳатчи-элчиси.

Фавқулодда ва мухтор элчи дипломатия даражасига эга.

ТЕАТР АРБОБЛАРИ ҚУРУЛТОЙИ

28 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг иккинчи қурултойи бўлиб ўтди.

Унда республика театр арбоблари уюшмаси бошқарувининг раиси Б. Р. Қориева икки қурултой оралиғида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот маърузаси қилди.

Анжуманда сўзга чиққан нотиқлар театр санъатини ривожлантириш, санъаткорларни ижтимоий ҳимоялаш, репертуарларни бойитиш, актёрлар маҳоратини ошириш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини айтдилар.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг янги таҳririдаги низоми қабул қилинди.

Б. Р. Қориева Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг президенти этиб сайланди.

Қурултойда республика Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров қатнашдилар.

(ЎзА).

• ЯНГИЛИКЛАР

АМЕРИКАЛИК ШИФОКОРЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

АМЕРИКА Қўшма Штатларидан келган бир гуруҳ шифокорлар республикамиз ҳаёти, тиббиёт муассасалари иши билан танишяптилар. Кеча Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида улар билан учрашув бўлди. Замонавий тиббиётнинг барча тармоқларидан йирик мутахассислар иштирок этишиб, меҳмонлар билан шифохоналар таъминоти, ишни ташкил этиш, даволаш усуллари, соғлиқни сақлаш хусусида фикр алмашдилар. Улар ўзлари билан анча-мунча дори-дармонлар ола келишган. Маҳсулот керакли жойларга тақсимланди.

Американликлар Ўзбекистонда ўн кун бўлишади. Бу муддат ичида вилоят ва районлардаги тиббиёт ўқув юртлари, шифохоналарни бориб кўришмоқчи. Меҳмонлар бугал одатдагидек мусофирхоналарда эмас, ўз ҳамкасблари уйларида яшашяпти.

●

ХАЙРИЯ ЭГАЛАРИНИ ТОПДИ

НИДЕРЛАНДИЯ қироличасининг ташаббуси билан Ўзбекистонга юборилган инсонпарварлик ёрдами куни кеча Тошкентга етиб келди. Кийим-кечак, дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари қариялар, болалар уйларига, ногиронларга, қаровчисиз қолган ёлғизларга бериладиган бўлди. Хайриянинг бир қисми Ўзбекистон Кўрлар жамиятига топширилди.

Мана, икки йилдирки, Нидерландиянинг «ЭЙ-И-СИ» фирмаси Ўзбекистон билан алоқа ўрнатган. Фирма президенти Карл Альберс ва унинг ҳамроҳлари ҳозир республика халқи эҳтиёжларини ўрганишяпти.

ЎЗ ШИФОХОНАЛАРИДА ДАВОЛАНИШАДИ

ХОНҚА туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг аҳоли зич яшайдиган қишлоқларидан бири —Қорамазда 60 ўринли касалхона очилди. Касалхона алоҳида лойиҳа асосида қурилган бўлиб, унда туғруқхона, тиш даволаш, ички касалликлар ва жарроҳлик бўлимлари бор. Касалхона даволаш ва касалликни аниқлаш учун зарур бўлган барча асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

ТИББИЁТ ЛИЦЕЙИ

ҚУРИҚ Бўз районидаги 22-мактаб қошида тиббиёт соҳасига ихтисослашган лицей очилди. Андижон тиббиёт илмгоҳининг муаллимлари, соғлиқни сақлаш ходимларидан тузилган ҳакамлар ҳайъати юзлаб хоҳловчилар орасидан ички касалликлар, жарроҳлик, болалар касалликларини даволаш касбига қизиққан билимли 11 болани танлаб олишди. Бўлажак шифокорлар биология, математика, химияни ва танланган касбга алоқадор бошқа махсус фанларни чуқур ўрганишга киришдилар.

(ЎзА мухбири).

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИДАН

Қўмита 1993 йил учун Ҳамза Ҳакимзода номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига номзодларнинг асарларини кўриб чиқиш учун қабул эълон қилади. Қабул муддати 1992 йил май ойининг бошидан 1 октябргача белгиланади.

Асарларни тақдим этиш ва уларга ҳужжат тайёрлашда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йилги 6 февраль қарори билан тасдиқланган Низомга амал қилинади.

Асарларни тақдим этиш ва уларга ҳужжат тайёрлаш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, 700003, Туроб Тўла кўчаси, 1-уй. «Ўзбекистон Адабиёти марказ» Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитаси (2-қават, 12-а-хона).

Маълумот учун қуйидаги номерга телефон қилишингиз мумкин: 45-72-46.

САМАРҚАНД УЧРАШУВИ

● САМАРҚАНД. Бу ерда товар-хом ашё биржалари уюшмалари ва ассоциациялари, брокерлик идоралари раҳбарларининг «Самарқанд-92» учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Россия, Украина ва МДҲ таркибига кирувчи бошқа республикаларнинг вакиллари қатнашдилар. Улар фойдали аҳдномалар тузиш, техник-норматив ҳужжатларни тайёрлаш, ҳамкорликда кўргазма-ярмаркалар ташкил этиш ҳақида фикрлашиб олдилар, ўзаро тажриба алмашдилар.

СУРАТЛАРДА: «Самарқанд» биржасининг биноси. Учрашув иштирокчилари.

Р. ҒАФУРОВ олган суратлар. (ЎзА).

• Ўзбекистон—Тожикистон ҳамкорлиги

БИР-БИРИМИЗСИЗ ЯШАЙ ОЛМАЙМИЗ

ДЕИДИ ХЎЖАНД ИПАКЧИЛИК БИРЛАШМАСИ БОШ ДИРЕКТОРИ Тоҳир БОБОЕВ

Қайси даврада Хўжанд саноати ҳақида гап очилса, мавзу албатта ипакчилик бирлашмасига бориб тақалади. Ҳатто Сир соҳилидаги бу шаҳарга хориждан келадиган меҳмонлар ана шу довруқли корхонани кўриш иштиёқида бўладилар. Унинг маҳсулотларини эса севиб харид қилишади. Сабаби — нафақат ҳозирги тақчиллик пайтида, балки пештахталарда моллар тахланиб ётадиган олдинги замонларда ҳам бирлашма газламаларининг бозори чаққон эди. Жумладан, Ўзбекистонга ҳар йили шартнома асосида 150 миллион сўмлик мато жўнатилмоқда.

Бирлашма бош директори Тоҳир БОБОЕВ билан суҳбатимиз айни ана шу икки қўшни республиканинг иқтисодий муносабатлари ҳақида бўлди. Мулоқот асносида шундай хулосага келдим: собиқ Совет Иттифоқининг Оврупо қисмидаги шериклар билан ҳар қанақа олди-берди занжирини узса бўлади-ю, лекин Ўзбекистон билан алоқани тўхтатиш томонлар учун кўплаб мушкулликларни келтириб чиқаради.

Хўжандликлар узоқ йиллардан буён Марғилон ва Наманган ипакчилик комбинатлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаб келишяпти. Масалан, марғилонликлар билан дўстона бордикелди бошланганига қирқ йилдан ошди. Иккала корхона мутахассислари бир-бирларига мудом таяниб ишлашади. Марғилонда илғор иш услуби жорий этилса, у кўп ўтмай хўжандликларнинг ҳам мулкига айланади. Марғилонликлар эса ўз навбатида қардош ҳамкасблари қўллаётган фойдали янгиликни ўрганиб кетишади. Бу яхши анъана давом этмоқда.

Наманган ипакчилик комбинати билан дўстона муносабатлар ҳам йил сайин мустаҳкамланаяпти. Яқинда хўжандлик мутахассислар қўшни вилоятга бориб, шерикларига «СТБ» тамғали мосламани ўрнатиб беришди. Айни кунларда Наманганда уларнинг бир қисми меҳнат қилмоқда.

Бундан беш йил аввал бирлашма раҳбарлари Тошкент тўқимачилик комбинатида ишчиларга яратилган маиший қулайликлар ҳақида эшитиб қолишди. Шундан кейин бир-икки киши эмас, балки барча ишлаб чиқариш бўлинмаларининг бошлиқлари Тошкентга ташриф буюришди. Тажриба ўзлаштирилгач, бирлашмада татбиқ этила бошланди. Эндиликда Хўжандда қурилган ажойиб дам олиш мажмуи ва профилакторий Ўзбекистондаги кўплаб корхоналар мутасаддиларини қизиқтирмоқда.

Бирлашмага хом ашёнинг катта миқдори Ўзбекистондан келтирилади. Биргина Фарғонадаги кимё заводидан йилига 2100—2400 тонна кимёвий тола олинади. Шунингдек, бу шаҳардан қурилиш ашёлари, совун, Марғилон механика заводидан эса турли хил эҳтиёт қисмлар харид қилинади. «Сиздан угина, биздан бугина» деганларидек, Хўжандда тўқилаётган чиройли ва сифатли газламалар Фарғона дўконларида сотилаётир.

Корхонада 11 минг киши ишлайди. Уларнинг қозони қайнаши, бола-чақаларини кийинтиришлари ҳам биз тилга олган омил — иқтисодий муносабатларнинг бузилмаслигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Негаки, зарур хом ашё Ўзбекистондан ташқари собиқ СССРнинг бошқа жумҳуриятларидан ҳам келтирилади. Унинг нархи эса тобора ошмоқда. Устига устак, шериклар шартномани тўласинча бажармаяптилар. Масалан, Красноярскдан 170 тонна кам хом ашё жўнатилди. Россия раҳбарлари лицензия беришмаяпти.

Яхшиямки, қўшнилар бор экан! Фарғона водийсидаги турдош корхоналар хўжандликларга хом ашёдан ёрдамлашмоқдалар. Айни паллада бирлашма қувватини ошириш, ички имкониятлардан самарали фойдаланиш чоралари кўрилаяпти. Хусусан, қўшимча учта фабрика қурилмоқда. Биринчиси йил охиригача ишга туширилади. У келгусида қўшма корхонага айлантирилади. Конибодом туманидаги Ниёзбек қишлоғида тикланаётган фабрикада эса йилига 4—5 миллион метр сурп тайёрланади.

Гарчи имкониятлар чекланган бўлса-да, ишчилар учун қулай шароит яратиш масаласи асло унутилганича йўқ. Ҳозир учта боғча-ясли, битта тиббий хизмат кўрсатиш муассасаси қад ростлаётган. Шаҳристон ва Ғончи туманларига қарашли қўш давлат хўжалиги бирлашма тасарруфига олинмоқда. Бу икки томонлама наф келтиради: ишчи-хизматчиларни асал, мева, сабзавот, чорва маҳсулотлари билан таъминлаш яхшиланса, «ўтириб қолган» хўжаликларнинг оёққа туриши натижасида қишлоқ аҳолисининг ҳаёти фаровонлашади.

Янгича шароитда ишлаб чиқаришни етук мутахассисларсиз юритиш қийин. Шу ҳисобга олинган ҳолда турли ўқувлар уюштирилмоқда. 25 нафар киши Канада корхоналарида тажриба орттирди. Бир неча уста ва цех бошлиқлари Москвада ўқиб қайтишди. Уч киши эса Францияда таҳсил кўрди...

Тайёр маҳсулотларни сотиш ҳамиша эътиборда. Айни кунларда Душанбеда тўртта, Хўжандда битта фирма дўкони ишлаяпти. Йил охиригача уларнинг сони 5—6 тага кўпаяди. Бу савдо шохобчаларига мол бевосита бирлашманинг ўзидан келтирилгани боис бошқа дўконларга қараганда нарх анча арзон.

Сен элга бирни берсанг, худо сенга мингни беради, дейишади. Бирлашмада ҳайрия тадбирлари ўтказиш анъанага айланаётир. Ҳар йили шу мақсадларга 200—300 минг сўм ажратиларди. Бу йил унинг миқдори ортди. Хўжандда қуриладиган Камол Хўжандий ҳайкалига маблағ берилди. Фахрийларга 350 минг сўм ёрдам пули ҳадя этилди. Шу билан бирга уларнинг нафақасини кўпайтириш имкониятлари қидирилмоқда.

Афсуски, қийинчиликлар ортидан қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Савдо нуқталари ва тикувчилик корхоналаридан тегишли маблағ ўз вақтида етиб келмаяпти. Устига устак, хом ашё баттар камаймоқда. Яқинда Марғилон ипакчилик комбинати директори Ҳамид Луқмонов жамоада режа бажарилмаётганини айтиб, ёрдам сўраганди. Хўжандликлар: «Майли, йигиришни зиммамизга оламиз, эвазига тайёр ипакни тенг тақсимлаймиз», — дейишди. Бироқ аҳдлашув амалга ошмай қолди...

— Менимча, ҳамкасбимиз раҳбарларидан рухсат ололмади. — деди Тоҳир Бобоев. — Наҳотки, қўшнилар ўртасида ҳам Россиядагидек муносабатлар бошланса? Бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби Фарғона водийсидаги шаҳару қишлоқлар аҳолиси асрлар давомида олди-берди асосида яшаб келган. Айтайлик, Қўқонда қайсидир маҳсулот тиқилиб ётибди, Хўжандда унга эҳтиёж катта. Конибодомда кетиши қийин бўлган молни эса Марғилонда қидириб юришади... Мен Ўрта Осиё жумҳуриятлари ҳудудида чегара ва божхона хизматлари бўлишига бутунлай қаршиман. Биримизнинг қариндошимиз Ўзбекистонда, иккинчимизнинг жигаримиз Тожикистонда яшаётган бўлса, бизни қандай қилиб ажратиб қўйиш мумкин? Раҳбарлар ўзаро келишувга мувофиқ барча минтақаларда бир хил нарх бўлишига эришмоқлари зарур! Ахир, биз бир-биримизсиз яшай олмаймиз! Бу фикримни ҳамма тўғри тушунишини истайман. Ҳозир тушунмасак, кейинчалик кеч бўлади. Шундай эмасми?

Узоқни кўзлаб айтилган бу оқил гапларга қўшилмоқ лозим.

Ўринбой УСМОН,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЁШЛАР ЖАМҒАРМАСИДАН МУКОФОТ

Апрель ойида нарх-наво ошгандан сўнг Тошкент тўқимачилик комбинатининг энг яхши ёш ишчилари давлат компенсациясига қўшимча товон пули олдилар. Меҳнатда ўрнак кўрсатганлар учун мукофот пули бу ерда барпо этилган ёшлар жамғармасидан ажратилди. Жамғарма корхона ажратган 50 минг сўм маблағдан ҳамда комбинат ёшлар ташкилоти ўз ҳисобидан ажратган пулдан ташкил топган.

Жамғарманинг маблағи тобора кўпайиб бораяпти. Комбинатнинг ёшлар иттифоқи қўмитаси қошида тузилган кичик корхона ўз фойдасининг анчагина қисмини жамғармага ажратяпти. Кичик корхона тузатиш-қурилиш ишлари билан шуғулланади. Маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш учун берилган буюртмаларни бажаради.

(ЎзА мухбири).

Ўзбекистон: иқтисодиёт қирралари

ЎЗ ПУЛИМИЗ БЎЛСАЙДИ

ПУЛ муомаласининг танг аҳволга тушиб қолиши, пулнинг кун сайин қадрсизланиши, бинобарин, унинг харид қобилияти пасайиши ҳаммани хавотирлантирмоқда. Бу — табиий ҳол. Чунки ана шу сабаблар туфайли қимматчилик юз берди. Тирикчилик оғирлашиб, турмуш даражаси ночорлашмоқда. Инсоният тарихида тасдиқланган қонуният шуки, ишлаб чиқаришда сезиларли ўзгариш бўлмаётган шароитда ҳаёт кечириш қийинлашади. Бойси — кишилар фақат тайёрланадиган маҳсулотлар эвазига яшайдилар, улар йўқ нарсани истеъмол қилмайдилар.

Устига устак, ишлаб чиқариш алоқалари шу қадар чигаллашиб, издан чиқиб кетди. Эндиликда собиқ совет республикаларидан биронтаси, гарчи ғоят улкан ва бой бўлса-да, бошқалар билан иқтисодий муносабатларсиз ўз халқини тўла таъминлай олмаслиги аён бўлаётир. Айниқса, бу ҳол кичик ва моддий қарам республикалар ҳаётида кучли сезилади. Масалан, Ўзбекистон аҳолиси истеъмолига кетадиган товарларнинг ярмидан ортиғи ташқаридан келтирилади. Шу сабабли бу ерда халқнинг турмуш даражаси бошқа давлатлардаги ишлаб чиқариш аҳволига боғлиқдир.

Қарамлик таъсиридан қутулишнинг йўли битта: Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириши зарур. Бунинг учун аввало соғлом пул керак. Муомаладаги пул минг хил дардга мубтало бўлгани боис унинг иқтисодиётга таъсири кун сайин пасаймоқда. Гап шундаки, инфляция ва ишлаб чиқариш таназзули шиддатли кечаяпти. Ҳозир собиқ СССР миқёсида пул эмиссияси 1980 йилдагига нисбатан 80—100 марта кўпайган, 1990 йилга таққослаганда эса у деярли 2,5 ҳисса ортди. Маълумотларга қараганда, ҳозир ҳар куни бир миллиард сўм пул муомалага чиқарилаётир. Агар шундай давом этаверса, йил охирига бориб қўшимча чиққани 400 миллард сўмга етиши мумкин. Албатта, унинг талайгина қисми Ўзбекистонга ҳам кириб келади.

Қизиғи шуки, пул эмиссияси кучайган шароитда муомала учун пул етишмай қолади. Чунки нарх-наво ҳаддан ташқари кўтарилади, пул даромади кўпаяди. Шу билан бирга товарлар ва хизматлар етишмаганлиги ёки уларнинг ўта қимматлашуви туфайли пул аҳоли қўлида туриб қолиб, оборотдан чиқади. Натижада иш ҳақи, нафақа, стипендия ва бошқа пул даромадларини беришда қийинчилик туғиладики, бу жараённи тўхтатмаслик мақсадида яна қўшимча пул чиқариш талаб қилинади.

Ўзбекистонда пулнинг кўпайишига ташқаридан келадиган миграция (оқим) ўз ҳиссасини қўшмоқда. Негаки, бизда валюта чегараси йўқ, Ўзбекистон сўм захирасига киради. Бу минтақада пул шу қадар кўпки, қанчалик кўп товар ишлаб чиқарилмасин, ундан ўзини ҳимоя қила олмайди.

Купонларнинг жорий этилганлиги бозорни қисман сақлайди. Аммо бизда давлат бошқара олмайдиган чайқов ва деҳқон бозорлари борки, уларнинг обороти катта: купон амал қилмайди. Бу жойларга бошқа давлатларнинг сармояси бемалол кириб келаверади. Сабаби — чегараларимиз очиқ. Демак, эркин бозордаги нархларнинг пул интервенцияси ҳисобига ошиб бориши баҳолар нисбатини ўзгартиради, умумий қимматчиликни кучайтиради. Шу боис миллий пул чиқарилиши зарур. Шундагина ички бозор тўла ҳимоя қилинади, товарларнинг бошқа ерга ташиб кетилишига барҳам берилади. Мана, Украинада миллий пул пайдо бўлди. Молдова ҳам бунга шайланиб турибди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки сўм захирасида инфляцияни тўхтатиб, пул қадрини таъминлашдан дарак йўқ. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида эса манфаатлар аидлиги кучайганки, унга кирувчи мамлакатлар ягона қийматли пул масаласини яқин орада ечолмасалар керак. Аксинча, айрим давлатлар ўртасида иқтисодий жанг бошланган. Сўм захирасидаги беқарорликни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ўз иқтисодини янги пул билан ҳимоя қилиши лозим. Миллий пул нафақат мустақиллик тимсоли, балки иқтисодий заруратдир.

Миллий валюта киритилиб, бозор ҳимояланган тақдирда қиммат бўлса-да пулга товар топса бўлади. Маҳсулот бор жойдагина сармояга қизиқиш ортади. Товар ва хизматлар билан таъминланмаган пул эса ҳақиқий эмас, балки бир парча қоғоздир. Зеро, кишилар ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлайдилар, пул топишга интиладилар: тирикчилик айни шунга боғлиқ. Пул бўлиб, товарлар бўлмаса, бунинг акси рўй беради.

Миллий пул иқтисодий чегара орқали мамлакатни пул интервенциясидан сақлай олади. Чунки бундан бошқаси ҳеч ерда қабул қилинмайди. Аммо ҳозиргидек қадрсизланган, хашаки бўлиши мумкин эмас. Агар шундай бўлса, янги пулнинг ҳеч кимга кераги йўқ: иқтисоднинг ўсишига хизмат қилмайди.

Миллий пул мавжуд товарлар ва хизматлар мажмуига қараб чиқарилиши керак. Шу билан биргаликда бюджетдаги камомад йўқотилиши шарт. Агар уни пул эмиссияси (чиқариш) билан қоплаш давом этса, муомала яна эски ҳолига келади Бинобарин, янги пулни киритиш бюджетни соғломлаштириш билан узвий йироқ эмас. Агар Ўзбекистон ҳатто қатор ижтимоий дастурлардан воз кечиб, бюджет камомадини қисқартиришган. Масалан, АҚШ Президенти Р. Рейган маъмурияти шу соҳага оид харажатларни 32 миллиард долларга озайтирган.

Бюджетдаги камомад 2—3 фоизга келтирилган шароитда пул муомаласи соғломлашганлиги тажрибадан аён. Шундай қилинганда пулнинг аҳамияти ошадики, бу билан иқтисоднинг ўсишига йўл очилади, келажакда бюджет даромадини ошириш, шу тарика ижтимоий дастурларга катта маблағ ажратиш имкони яратилади. Миллий пул заруратн, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги даражасидаги пул эмиссиясини Россия монополиясига айлантиришдан ҳам келиб чиқади. Ўзбекистоннинг нақд пул билан таъминланиши, пул оборотининг узлуксизлиги ана шу мамлакат банкига боғлиқ. Монополия бор ерда албатта қарамлик мавжуд.

Россия банки танҳо эмиссия маркази экан, пулни чоп этиш, сақлаш, ташиш ва етказиб бериш харажатларини ўз билганича белгилаб, Ўзбекистонда пул муомаласи сарфини сунъий равишда ошириб юбориши, зарур миқдордаги пулни бермасдан тазйиқ ўтказиши эҳтимолдан амалга ошса қўл келарди, албатта. Чунки мазкур давлатларнинг иқтисодий алоқалари кучлики, бу ҳол ягона айирбошлаш ва тўлов воситасини талаб этади. Аммо ана шу мамлакатларнинг ишлаб чиқариши бир хил эмаслиги бу ишга катта тўсқинлик қилади. Айниқса, уларнинг экспорт потенциали кескин фарқланади. Шу сабабли ягона минтақа пулини жорий этиш — қийин иш. Аммо келажакда давлатлар иқтисодий даражаси яқинлаша борган сари у юзага чиқиши турган гап. Афтидан, миллий пулдан минтақавий, ундан эса давлатлараро байналмилал пулга ўтиш босқичма-босқич юз беради. Ҳозирги шароитда собиқ СССР доирасида миллий пул босқичи бошланган.

Миллий пул киритишнинг энг муҳим шарти шуки, мавжуд товарлар ва хизматлар миқдорига қараб, унинг аниқ харид қобилияти таъминланиши лозим. Шундагина меҳнаткашларнинг фаоллиги ошади, иқтисодиётнинг ривожланиши эса тезлашади.

Миллий пул конвертирланган (бошқа пулга эркин алмаштириладиган) валютага айлангандагина иқтисодий тараққиётга хизмат қилиши мумкин. Бу муаммо халқаро миқёсда миллий пулнинг обрўэътиборини таъминлаш билан боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки ана шу омилга таянган ҳолда Ўзбекистон иқтисодиётига кўплаб миқдорда хориж сармоясини, янги техника ва технологиясини жалб этишни тақозо қилади. Чет эл тажрибаси бунинг исботи. Масалан, 1981—1990 йилларда Хитойда саноат ишлаб чиқариши 3,2, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми 1,66 марта кўпайган экан, ўтган даврда капитал маблағлар миқдори 3,3 марта орттирилганлигини эслаш кифоя. Республикамизда эса иқтисодий танглик шу даражадаки, миллий даромаднинг ўсиши аҳоли сонининг кўпайишидан ортда қолмоқда. Устига устак, шусиз ҳам кам бўлган даромаднинг катта қисмини халқ истеъмолини қондиришга сарфлашга тўғри келаяпти.

Ўзбекистонда конверттирланган пулнинг йўқлиги ўз капиталини қўйишга тайёр хорижий сармоядорларга ўнғайсизлик туғдирмоқда. Тадбиркорлар сўрашлари мумкин: ҳозирги пулда топилган даромадни қандай қилиб конвертирланган пулга, масалан, долларга алмаштирса бўлади? Агар Ўзбекистонда миллий пул жорий этилса, муаммо ўзўзидан ечилади. Бу эса топилган фойдани конвертирланган валюта тарзида хоҳлаган жойга ўтказишга имкон беради.

Ўзбекистон ҳозирча ўз олтинини гаровга қўйиш, шу ҳисобидан қарз олиш, уни сотиш, шунингдек, пахта, ипак, қоракўл териларидан тушган чет эл валютасига таянган ҳолда ўз пулини конвертирлай олади. Миллий валюта ўзга валюталарга эркин алмаштириладиган пулга айлангандагина хорижий капитал Ўзбекистонга оқиб кела бошлайди. У ўзи билан бирга илғор технология ва тажрибани олиб келади. Натижада халқаро алоқаларга кенг йўл очилиб, шу асосда барқарор иқтисодий ўсиш юз беради. Демак, конвертирланган миллий валюта бизга сув ва ҳаводек зарур.

Юқорида айтилганидек, миллий пулни жорий этишнинг ўз қийинчиликлари ва ташвишлари бор, албатта. Унинг миқдорини аниқ ҳисоблаб чиқиш, қўлланиш муддатию тартиби, бошқа пулларга айирбошлаш шартлари, савдосотиқ муносабатларида қандай валюта ишлатилиши, корхона ва ташкилотларнинг банк ҳисобидаги пулини янгисига алмаштириш қоидалари каби қатор муаммолар борки, бариси кенг жамоатчилик иштирокида атрофлича муҳокама этилиши лозим. Ўзи ҳозирдан пухта тайёргарлик ишларини олиб боришга тўғри келади. Калта ўйлик, шошмашошарлик пул муомаласини бузиб юборишини, иқтисодни ҳалокатга бошлашини унутмайлик. Ҳаётий заруратни англаган ҳолда миллий пул ишлаб чиқаришни собиткадамлик билан амалга ошириш айни муддаодир.

М. ШАРИФХЎЖАЕВ,
Тошкент молия институти ректори, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси.

А. УЛМАСОВ,
шу институт проректори, профессор.

• *Парламент хабарлари*

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Республикамизда биржалар сони тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозир ўлкамизда улгуржи «олди-сотди» билан шуғулланадиган бундай ташкилотлар сони ўттиздан ошди. Вақтли матбуот нашрлари, радио ва телевиденеда улар фаолиятига бағишланган эълон, эшиттириш ва кўрсатувлар бот-бот кўзга ташланадиган бўлиб қолди.

Хўш, ҳаётимиздан муносиб ўрин олиб бораётган бу биржалар фаолияти қандай ташкил этилиши лозим? Уларни рўйҳатдан ўтказиш, ишни юргизиш жараёнларида амал қилинадиган қонун-қоидалари қандай бўлади?

Табиийки, республикамизда ана шу каби қатор саволларга жавоб топиш, бундай фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратишга эҳтиёж кучайиб бормоқда. Олий Кенгашнинг Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитети ана шу ишга қўл урди. Айни кунларда Президент ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси тавсия этган «Ўзбекистон Республикаси биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси устида қизғин иш олиб борилмоқда. Лойиҳа билан шуғулланиш учун ҳуқуқшуносларни, биржалар, тегишли вазирликлар ходимлари, олимлар жалб қилинди.

Қонун лойиҳасини Олий Кенгашнинг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритиш мўлжалланмоқда.

ОРОЛ ЯШАШИ КЕРАК

Биз узоқ вақт табиий заҳираларимизу мавжуд имкониятларимиз чексиз чегарасиз эканлиги ҳақидаги ноўрин тушунчалар билан яшаб келдик. Файз-барака, бебаҳо бойликлар инъом этаётган она еримизда тортиб мавжланиб оқаётган дарё-сувларимизгача авайлаб-асраш, ардоқлаш кераклигига панжа орасидан қараб мулоҳаза юритдик. Орол денгизининг бугунги аҳволи ана шу эгасизлик, нотўғри тушунчаларнинг ҳосиласи ҳамдир.

Олий Кенгашнинг Экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари комитети бу масалага алоҳида эътибор бермоқда. Ана шу хусусда илмий-амалий режалар ишлаб чиқиш, турлича қарашлар, таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш мақсадида тегишли давлат идоралари ва ташкилотларининг вакиллари, халқ депутатларидан иборат махсус гуруҳлар тузилган эди. Улар иқтисодиёт, саноат, деҳқончилик каби қатор соҳаларда берилган мавзу бўйича тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Маълумки, Оролни қуриб қолиш ва ҳалокатдан асрашнинг энг асосий йўли сув таъминотини йўлга қўйишдир. Яқинда бўлиб ўтган сув хўжалиги мажмуи гуруҳининг мажлисида худди ана шу масала муҳокама қилинди. Унда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сувдан фойдаланишни қай йўсинда йўлга қўйиш лозимлиги атрофлича муҳокама қилинди. Бу ўткир муаммо хусусида комитет раиси А. Жалилов, комитетнинг Орол масаласи бўйича комиссия раиси В. И. Криворучко, Президент ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси, сувдан фойдаланиш масалалари билан шуғулланадиган қатор ташкилотлар ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари ўз фикр-мулоҳаза ва хулосалари билан ўртоқлашдилар.

Йиғилишда Оролни фалокатдан сақлаб қолишнинг таркибий қисми — қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишни тартибга солувчи амалий тавсияномаларни зудлик билан ишлаб чиқишга қарор қилинди.

ҚАРШИ районидаги «Лола» трикотаж моллари корхонаси йил сайин кенгайиб бораяпти. Корхона мустақиллик сари одимлаётган бир пайтда тайёрланаётган маҳсулот турлари ҳам кўпаймоқда. Ўтган йили Москвада ўтказилган ярмаркада намойиш этилган «Лола» кийим-кечаклари канадаликларга ёқиб қолди. Хорижийларнинг буюртмасига кўра 72 минг сўмлик маҳсулот тайёрланиб Канадага жўнатилди.

СУРАТДА: тўқувчи Муҳайё АҲМЕДОВА.

Ш. Шаропов олган сурат.

• *Шу сонга шошилинч хабарлар*

ОФАТ ОҚИБАТИ ТУГАТИЛАДИ

НАМАНГАН вилояти меҳнаткашлари учун бу йилги баҳор айниқса, серташвиш келди. Куннинг ҳарорати одатдагидан анча паст. Тадбиркор деҳқонлар экин экиш мавсумини ер ҳарорати нисбатан юқори бўлган қумлоқ зоналардан бошлаган эди. Ончагина майдонларда яшил квадратлар ҳосил бўлганди. Сабзавот экинлари дастлабки ҳосилини кўз-кўз қилаётган эди.

Кутилмаганда — 26 апрель куни кеч соат ўн тўққиздан йигирмагача ёққан ёмғир, жала ва дўлдан Задарё, Чуст, Чортоқ, Поп, Уйчи, Учқўрғон районларидаги экинзорлар жиддий шикастланди. Қарийб 121 минг гектар майдондаги экинлар табиий офатдан зарар кўрди. Шу жумладан, 15 минг гектарга қайта экин экиш мўлжалланмоқда. 98 минг гектар пахта майдони қатқалоқ бўлди. 14 минг гектар ердаги ҳали чиқиб улгурмаган чигит лойқа остида қолди. Бу майдонларга қайта чигит экилади. Бундан ташқари 147 гектардаги сабзавот, 103 гектардаги бошоқли ғалла, 400 гектардан ортиқ маккажўхоризор ҳам зарарланди.

Вилоят деҳқончилик-саноат тизими ходимлари кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун қўшимча техника ва ишчи кучларини сафарбар этмоқдалар.

Раҳимжон ИРИСОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СИРДАРЁДА СЕЛ

ЎТГАН куни Сирдарё вилояти ҳудудида кечаси билан майдалаб ёққан ёмғир бирдан жалага айланди. Кўчаларда, экинзорларда йиғилган сув сел бўлиб оқа бошлади. Айниқса, вилоятнинг Ховос, Меҳнатобод, Боёвут, Гулистон районларидаги айрим хўжаликлар катта талафот кўрди. Вилоятда табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича марказ тузилди. Ушбу марказ вакилининг таъкидлашича, 50 минг гектардан зиёд майдондаги ғўза ниҳолларини сел ювиб кетган. Бир қисми лойқа остида қолган. Айрим районларда сув иншоотлари, транспорт йўллари, уй-жойлар шикастланди.

Боёвут районидаги «Ғалаба» совхози деҳқонлари бу йил яхши ният билан минг гектар майдонга чигит қадаб, тўлиқ ундириб олишган эди. Айрим майдонларга ишлов беришга киришилганди. Мурғак ниҳолларни лойқа босди. Бундан ташқари кучли шамол эсиб 180 тонна минерал ўғит сақланаётган омбор томини учириб кетди. Ўғит жалага нишон бўлди.

Боёвут, Усмон Юсупов, Пушкин номли совхозларда экинлар, мевали дарахтлар, тоқзорлар қаттиқ шикастланди.

Ҳозир жиддий зарар кўрган хўжаликларга етиб келган вилоят ҳокимлиги вакиллари офат оқибатларини тугатишга оммани сафарбар қилишга бош-қош бўлишаяпти.

ЯНА БАҲОР КЕЛДИ...

ЖИГАРИСТОНДА ТАБИИЙ ОФАТ ЮЗ БЕРГАНИГА БИР ЙИЛ БЎЛАЯПТИ

Оппоқ сочли нуроний Чотқол тоғи чўққилари билан Қурама тоғлари тизмасининг ўртасида жойлашган Жигаристон қишлоғига ҳам баҳор кириб келди. Ҳаммаёқ кўкламнинг ям-яшил либосига бурканган, боғлару далалар, қиру адирларда, тоғ ён бағирларида гуллар, ўтлар, майсалар кўкка бўй чўзган. Чор атрофда дала ишлари қизғин, экин-тикин авжида.

Янги Жигаристон қўрғонига асос солган, бу ерда уй қуриб, шу жойдан ўзларига янги макон топган жигаристонликлар томорқаларига, далаларга эзгу ният, яхши умидлар билан ташлаган дастлабки уруғлар ниш урмоқда. Талафот туфайли жабр кўриб, бошпанасиз қолган эллик оила офатдан сўнг уч-тўрт ой ўтмасданоқ ана шу янги иморатларга кўчиб ўтган эди. Бугун улар бу ҳовлиларни ўз хоҳишларига қараб, имкониятга яраша кенгайтиришаяпти. Молхона, ошхона, тандирхона каби қўшимча рўзғорбоп қурилишлар бошлашмоқда.

Ҳукумат томонидан белгиланган комиссия келгусида юз бериши эҳтимоли бўлган офат — кўчкидан аҳолини эҳтиёт қилиш учун қишлоқнинг хавфли зонага кирувчи ҳудудларини аниқлаб чиқди. Бу жойдаги хонадонларнинг кўчиб ўтиши учун шаҳардан юзга яқин квартира ажратилди. Ўша ерда яшаб туриб, Янги Жигаристон қўрғонида шахсий иморат тиклаш истагини билдирган кишилар зарур ер участкалари билан таъминландилар. Қурилиш материаллари, уй-рўзғор жиҳозларининг нархи бир неча баравар кўтарилиб кетганини ҳисобга олиб, жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш комиссияси моддий мадад миқдорини ана шунга яраша кўпайтираяпти. Агар ўшанда офат туфайли вайрон бўлган ҳар бир иморат учун 30—40 минг сўм ажратилиши мўлжалланган бўлса, эндиликда уларнинг эгаларига берилаётган маблағ ўртача юз минг сўмдан зиёдни ташкил этади.

Янги Жигаристонда бунёд бўлаётган замонавий мактаб, шифохона, боғча ва бошқа иншоотлар яқин вақт ичида ишга тушади. Кўчалар, майдонлар ободонлаштирилаяпти, йўллар, ариқ, зовурлар созланмоқда. Ангрен шаҳар ҳокимияти, шу ердаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жамоалари, маҳаллалар аҳли, қўни-қўшнилар табиий офатдан жабр кўрган, азият чеккан қон-қариндошлари, яқинлари, ёр-биродарларидан ажраб қолган инсонларнинг мусибат юкини сал бўлса-да енгиллаштириш, дардларига малҳам бўлиш ниятида анча иш қилишди. Бутун Ўзбекистон, қўшни қардош жумҳуриятлар жабрланганларга ёрдамга келди, ҳар томонлама мадад кўрсатди.

Шу йил 4 май саҳар чоғида барча ҳамдард, ҳамдам кишилар Жигаристондаги шаҳидлар қабристонига келадилар. Бу ерда барпо этилган зиёратгоҳда ўтганлар ёди хотирланади. Қабристон ёнида очилаётган хотирот боғига кўчатлар ўтказилади, эл-юртга ош тарқатилади. Шаҳид кетган каттаю кичик эллик беш инсоннинг азиз номлари бирма-бир ёдланади.

Мана, орадан бир йил ўтди. Шаҳид бўлганлар ёди тирик қолган инсонлар хотирасида янада тиниқлашди, мусибатлар алами бироз унутилди. Ҳаёт яна ўз маромига тушаяпти, юзларда кулгу, табассум юз кўрсатмоқда. Унут бўлаёзган тўймаъракалар қишлоққа яна қайтди. Ўтган вақт ичида одамлар ҳаёт қадрини, тириклик қадрини, ёру биродарлик қадрини бирмунча теранроқ ҳис этгандай бўлдилар.

Юртимизга яна баҳор келди. Табиатнинг энг жозибадор маликаси бу кун менинг азиз Жигаристонимда ҳам бор гўзаллигини намоён этганча барча азиз жигарбандларимнинг кўнгилларига тароват, саховат нурларини ёғдириб турибди.

Тўрабек ИСКАНДАРОВ.

• *Халқаро ҳаёт*

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

РАТА—ТАСС, Москва рўзномалари, Ассошиэйтэд Пресс, Рейтер, «Озодлик» радиоси ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишларига қараганда, Афғонистондаги фуқаролар урушининг асосий нуқтаси Қобулга кўчган. Бутун шаҳарда отишма давом этмоқда, портлашлар эшитилмоқда, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ёнғин чиқмоқда. Ҳамма жойда тартибсизлик ҳукмрон, ҳеч қандай ҳокимият тузилмалари ишламаяпти. Ҳалқ бўлганлар ва ярадорлар тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ, лекин маҳаллий шифохоналарга жабрдийдалар мунтазам келтирилмоқда. Қобулда ваҳима бошланди. Кўп одамлар ким ким билан урушаётганлигини билмайдилар.

Жанглар эса Гулбиддин Ҳикматёр бошчилик қилаётган Афғонистон Ислом партияси отрядлари билан дала командири Аҳмадшоҳ Маъсуд қисмлари ўртасида бормоқда, собиқ ҳукумат қўшинларининг анчагина қисми Маъсуд қисмларига қўшилди. Қарамақарши томонлар бир-бирига ракета зарбалари уриш-моқда, авиациядан, замонавий зенит воситаларидан фойдаланишмоқда.

Покистоннинг Пешовар шаҳрида мужоҳидларнинг ўтиш даври кенгаши тузилди, бу кенгаш мамлакатнинг муваққат ҳукумати вазифаларини бажариши лозим. Унга Афғонистон Миллий нажот жабҳасининг раҳбари Сибғатулло Мужоддиди бошчилик қилмоқда. Покистоннинг Ташқи ишлар вазирлиги ана шу идорага ҳар томонлама кўмак беришини айтди. Хабар қилинишича, бу кенгашни дала командирларининг кўпчилиги қўллаб-қувватламоқда. Кенгаш аъзолари 27 апрель куни эрталаб тантанали вазиятда Пешовардан ватанига жўнаб кетдилар.

Ҳикматёрга келганда эса, унинг сўнгги ҳаракатлари ва баёнотларига қараганда, у шахсий ҳокимиятга интилмоқда ва ҳатто ўзининг собиқ иттифоқчиларига нисбатан ҳам янада муросасиз йўл тутмоқда.

Айрим маълумотларга қараганда, БМТнинг Қобулдаги ваколатхонаси биносида турган собиқ президент Нажибулло у ердан чиқиб қочишга уриниб кўрди, лекин Ислом партияси жангарилари томонидан тўхтатилди ва Нажибулло бинога қайтишга мажбур бўлди.

БМТ Бош котиби Бутрос Гали Теҳронда Эрон президенти Али Акбар Ҳошимий-Рафсанжони ва шу мамлакат ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилояти билан музокара олиб борди. Учрашувда Афғонистон масаласи асосий ўрин тутди. Халқаро ҳамжамиятнинг бошлиғи Афғонистондаги можаронинг авж олиши хавфи борлигини ва унинг минтақа учун оқибатларини таъкидлаб ўтди.

ХАЙРИЯ КЕЧАСИ

ТОШКЕНТДАГИ Алишер Навоий номли театр биносида «Инсонлар тақдири» деб номланган ҳайрия кечаси ўтказилди. Уни Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг «Қувватлаш» жамғармаси ташкил этди. Кечада ҳаётини ўзгалар бахти учун қурбон қилган ҳуқуқ посбонларининг хотираси ёдга олинди. Сўзга чиққанлар милиция ходимларининг оғир ва шарафли ишлари ҳақида сўзлаб, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг оилалари моддий-маънавий ёрдамга муҳтожлигини таъкидладилар. Шунингдек, бу ерда жамғарма фаоллари томонидан кимошди савдоси ташкил этилди. Телевизорлар, совутгичлар, магнитафонлар, кийим-кечаклар, кундалик эҳтиёж моллари савдога қўйилди. Тушган маблағдан ташқари жамғарма ҳисобидан ҳам 200 минг сўм ёрдам кўрсатилди.

Айни кунларда жамғармаининг иккита корхонаси ишлаб турибди. Бундан кейин ҳалок ёки ногирон бўлган милиция ходимларининг оилалари ана шу корхоналар даромади ҳисобидан моддий қувват оладилар.

И. ТОШЕВ.

ТИЛСИМОТ КАЛИТИ ОЛИМЛАР ҚЎЛИДА

ИЛМ КЎККА АҚЛ КЎПГА, ЕТКАЗАР

Олимларимиз илмий тадқиқот ишларини асосан ўсимликшунослик ва чорвачиликнинг технологик жараёнларини янгилаш ёки уни такомиллаштиришга қаратмоқдалар. Бунда табиий муҳитни муҳофаза қилиш, чорвачиликни турли хил касалликлардан сақлаб, етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини яхшилаш муаммоларини ечиш масалалари диққат марказида турибди.

Ҳозирги пайтда олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган 30 дан ортиқ тавсиянома ҳаётга жорий этилмоқда. Бундан йилига 6 миллион сўмлик иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин. Жумладан, бизда яратилган арпа ва буғдойнинг янги навларини экишдан 300 минг, минерал ўғитлар ва ингибиторларни қўлланишдан 600 минг, «Қирғиз — 3» навли уруғлик ғўза ўстириш технологиясининг усулини жорий этишдан ҳар гектар майдон ҳисобига беш минг сўмлик, шунингдек чорвачилик соҳасида тармоқ ишлаб чиқаришини такомиллаштириш ва қоракўл терисининг сифатини яхшилашга хизмат қиладиган тавсиялардан фойдаланиш ҳам катта иқтисодий самаралар бераётир.

Илмий тадқиқот ишлари жумҳуриятимизнинг турли минтақаларида жойлашган хўжаликларда олиб борилаётир. Олийгоҳнинг ўқув-тажриба хўжалигида эса деҳқончилик ва чорвачиликка илмий асосланган технологик жараёнларни жорий этиш анча кенгайтирилди. Бу хўжаликда озуқабоп бошоқли дон етиштиришнинг такомиллаштирилган технологияси, қора моллар зотини яхшилаш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, моллар қисир қолишининг олдини олиш сингари ишлар юзасидан амалга оширилган тадқиқотлар самараси кутилганидек бўлмоқда. Айниқса профессор Зубайдулла Тўрақулов раҳбарлигида қорамолчиликда наслчилик ишлари самарадорлигини ошириш режасини тузиш кўнгилдагидек якунланди.

Агрономия куллиётида озуқабоп экинлар етиштириш технологиясини янада такомиллаштириш, янги навлар яратиш йўлида олиб борилган тадқиқотлар натижалари диққатга сазовор. 1991 йилда доцент Тўрақул Хўжақулов раҳбарлигида арпанинг янги нави яратилди. Давлат синовидан ўтказиш учун қилинган тадқиқотлар янги навнинг ҳосилдорлиги 80—85 центнерга тўғри келишини кўрсатди. Эндиликда давлат синовига топшириш учун яна иккита юқори ҳосилли буғдой нави устида иш олиб борилмоқда. Доцент Дилором Ерматова Самарқанд вилояти шароитида суғориладиган ерлардан соянинг «Дўстлик» навидан 25 центнердан дон, 320 центнердан кўк поя олиш мумкинлигини ўз илмий тажрибасида исботлади. Бундан ташқари чумиза — кўп сўтали, маккажўхори оралиқ экинлари етиштириш технологиясини такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотлар ҳам ўтказилмоқда.

Зооинженерия куллиёти профессорларидан Зубайдулла Тўрақулов, Пармон Собиров, доцент Илҳом Мақсудов ва Салоҳиддин Дўстқулов бошчилигида гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг самарали технологик жараёнларини янада такомиллаштиришга мансуб илмий тадқиқотлар олиб борилган эди. Шу мақсадда қора-ола ва бошқа зотларни юқори маҳсулдор голштинофриз зоти билан чатиштириш асосида бир неча тур синовлар ўтказилди.

Наслчилик талабларига кўра танлаш ҳайвонларнинг ирсий белгиларига қараб ажратилади. Ана шу хусусда айрим сут товар фермалари ҳамда олийгоҳнинг ўқув-тажриба хўжалигида ҳам сермаҳсул подалар — ғунажинлар ва бўрдоқига боқиладиган гуруҳлар яратилди. Доцент Абдусаттор Каҳҳоров Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари шароитида дурагайлашнинг қорамол гўшти етиштиришга таъсирини батафсил ўрганмоқда.

Йилқичилик шухратини тиклаш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар ҳам диққатга сазовор. Республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги билан ҳамкорликда шартнома асосида от гўштидан маҳсулотлар тайёрлашга оид давлат стандарти ишлаб чиқилгани ҳозирги шароитда катта хайрли иш бўлди.

Қоракўлчилик куллиёти олимлари яратган илмий тавсиялар жумҳурият қўйчилигининг ривожига сезиларли ҳисса қўшаётир. «Муборак» (Муборак райони), «Фориш», Киров номли (Фориш райони), «Каттақўрғон» (Каттақўрғон райони) «Шофиркон», «Партия XXV съезди» (Конимех райони) ва Томди районидаги «Оёқ қудуқ» давлат хўжаликларида чорвадорлар билан ҳамкорликда амалга оширилган тадқиқотлар натижалари ҳаммани қувонтиради. Жумладан, кўк рангли қоракўл қўйларнинг янги «Томди завод типи» яратилди ва тасдиқланди, сут рангли завод типини яратиш ишларининг сўнги босқичи яқинлашиб қолди.

Маълумки, фермаларда ветеринари-санитария жиҳатдан соғлом муҳитни барпо этиш жамоат чорвачилигининг равнақида ҳал қилувчи омилдир. Бу серташвиш ишларни илмий асосланган йўсинда амалга оширишда ветеринария куллиёти олимлари тадқиқотларининг самаралари — яратилган илмий ечимлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда. Профессорлардан Рўзи Ҳайитов, Маматкарим Пармонов, Фаттоҳ Мажидов, Муса Абдуллаев, Абдукарим Дўшанов ва бошқалар илмий изланишларининг бош йўли қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ҳамда паррандаларида учрайдиган турли хил касалликларнинг олдини олиш даволаш чораларини фанда эришилган энг сўнгги ютуқлари асосида такомиллаштириш йўли билан подаларни соғломлаштиришга қаратилган.

Жумладан, Нурота районидаги «Нурота», Ғаллаорол районидаги Ғафур Ғулом, Пастдарғом районидаги Ильич номли давлат хўжаликларида қўй ва чўчқаларда шартли патоген инфекцияларига конституционал иммунитет ҳосил бўлиши ҳамда ривожланиш хусусиятлари, шунингдек иммунбиологик ҳолатининг ирсий тарзда ўтиши ўрганилган. Тадқиқот ишларида яна бир муҳим янгилик — бузоқларни онкора ва рота вирусига қарши «Короннффа» препарати билан, сигирларни эса колибактериоз ва сальмонеллез касалликларига қарши УзВИТИ вакцинаси билан эмланганда, 15 кунликкача бўлган бузоқларни 90 фоизгача омон сақлаб қолишга эришилди.

Чорвачиликда бажариладиган юмушлар нақадар кўп ва хилма-хиллиги юқорида биз фикр юритган масалалардан кўриниб турибди. Шунинг учун чорвадорлар меҳнатини енгиллаштириш мақсадида уни мумкин қадар тўлиқ механизациялаш бирламчи вазифалар сирасидандир. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш куллиёти олимлари бу борада маълум тадбирларни амалга оширишди.

Жумладан, қоракўлчилик яйлови шароитида ем-хашак, ветеринария тадбирларини бажариш, қўзиларни сиғалаш, қоракўл терилари ҳажмини аниқловчи ускуна ва мосламалар яратилди. Қоракўл терини қуритиш учун такомиллаштирилган янги қурилма бунёд этилди. Ундан ҳатто тамаки, узум ва бошқа хил маҳсулотларни қуритишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги давр бозор иқтисодиёти қонуниятлари ва маҳсулот қийматидаги номутаносибликлар қишлоқдаги деҳқон ва фермер хўжалиги эгаларинигина эмас, балки ҳар биримизни иқтисодий фикр-мулоҳаза, моддий бойлик ва уни кўпайтиришга сарфланадиган маблағ ҳамда қувватлардан оқилона фойдаланиш учун чуқур мушоҳада юритишга даъват этмоқда. Бу борада профессор Муртазо Ҳусанов раҳбарлигида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг асосий турлари бўйича рентабеллилик нормаларини ишлаб чиққан иқтисод куллиёти олимларининг анчагина хизматлари бор. Улар қишлоқ хўжжалигида фаолият кўрсатувчи турли шаклдаги ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлигини ўрганишди. Таҳлил натижалари ишбилармонлар томонидан ташкил этилаётган турли хил ширкат, майда корхоналар фаолияти жамоат ва давлат корхоналарига нисбатан 2—3 марта самаралироқ эканлигини кўрсатди. Профессорлардан Фрунзе Жўраев ва Нурилло Санаев раҳбарлигидаги изланишлар қоракўлчилик ва қорамолчиликда рентабеллилик манбалари, уни ошириш омиллари, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган.

Афсуски, олийгоҳимиз остоналари яратилган илмий ечимларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш суръати суст, савияси бугунги кун талаблари даражасида эмас. Бошқача айтганда, илмий асосланган хулосалардан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиш тадбири жойларда ёмон ташкил этилган. Натижада кўпчилик чорвачилик хўжаликларида рентабеллилик даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда.

Ақл кўпга, илм кўкка етказар, деган нақл бор. Фан-техника — ҳикматли хазина. Тадқиқотчи олим не-не машақатлар билан бу тилсимга киришга йўл топиб, янги саҳифа кашф этди, дейлик. Жамики илмий ечимлару ютуқлар борки, улар ҳузур-ҳаловатдан, фароғатдан кечиб, ҳафтаю ойлаб эмас, неча-неча йиллаб мудроқ тунни тонгга улаб қилинган машаққатли меҳнатнинг, илмий тафаккур юритишнинг бебаҳо маҳсулидир. Бунга тадқиқотчи умрининг — меҳнат фаолиятининг энг самарали бўлаги сарфланган. Лекин бу янгилик ҳаётга тадбиқ этилмаса, унинг баҳоси ҳемири. Шундай экан, илмий тафаккур мулки халқ мулки бўлгандагина, у бебаҳо хазинадек хизмат қилиши мумкин.

Сурьат ЮСУПОВ,
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти проректори.



● «БЕШАРИҚ» давлат хўжалигида чорвачиликни рентабелли соҳага айлантирилишида наслчиликни яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат хўжалигида саккизта ферма бўлиб уларда жами 1037 бош сигир, 2200 та бўрдоқи, 990 бош бузоқлар парвариш қилинади. Янги туғилган бузоқлар касалликка чалинса, махсус фермага жўнатилади. Новвос ва ғунажинлар боқиладиган фермалар алоҳида ташкил этилган. Улар ўн кунликдан бир ойликкача, бир ойликдан уч ойликкача, уч ойликдан олти ойликкача бўлган муддатларда табақалаштирилган ҳолда парвариш қилинади. Соғин сигирлар ва бўрдоқилар боқиладиган фермалар алоҳида-алоҳидадир. Бу усулнинг самараси катта бўлди. Ун ой давомида хўжалик ўзи учун наслдор қорамоллар етиштиришни йўлга қўйиб олди.

Ферма мудири Мўминжон Абдураҳмонов бизни фермадаги ишлар билан таништирди. Ҳаммаёқ тоза, тартибли. Айвонлар бежирим қурилган. Бузоқчаларга ем-хашак, сут етарли.

СУРАТЛАРДА: [чапда] бўрдоқига боқилаётган наввослар. [Ўнгда] ферма мудири Мўминжон Абдураҳмонов, бузоқ-боқарлар Савринисо Йигиталиева, Мўътабар Қўқоновалар.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Наслдорлик йўлга қўйилди

● *Ҳуқуқшунос таклиф этади*

СУД, СУДЬЯ, ФУҚАРО

САМАРҚАНД шаҳар Боғишамол район халқ судининг раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Азиз Юнусов 37 йилдан буён адлия идораларида ишлаб келмоқда. Қуйида унинг суд тизимининг бугунги ҳолати, одил судловни тўлароқ амалга ошириш учун бу тизимни қай тарзда ислоҳ қилиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ҳозирги кунларда Ўзбекистон Республикаси комиссияси, юристларнинг катта гуруҳи, социологлар, ҳуқуқшунослар ва бошқа мутахассислар Ўзбекистонда судларнинг мақоми тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш устида ишламоқдалар. Бу қонун кўп муаммоларни ҳал этишга, судга ҳурматнинг давлат, жамият ва фуқаролар томонидан ҳимояланишига асос солади, деб ишонамиз. Айни пайтда, бу борада ўзимнинг айрим мулоҳаза ва таклифларимни ўртага ташламоқчиман.

Бугун илгаридан амал қилиб келаётган шакл ва услубларни жорий таъмирлаш, майда-чуйда тадбирлар билан иш битмаслиги, аксинча, жуда катта қайта қуриш орқали барча суд фаолиятини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш талаб этилиши ҳаммага равшан.

Район, шаҳар судларининг ташкилий тузилиши бугунги кун талабига жавоб бермайди. Негаки, район халқ суди кўп жойларда биргина суд раисидан иборат. У ҳам раис, ҳам иш кўрадиган оддий судья. Спорт тили билан айтганда, ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуққа эга бўлмаган кичкинагина бир команданинг ўйновчи тренери. Менимча, бугун ва эртанги халқ судлари худди 1960 йилгача бўлгани каби қуйидагича ташкилий тузилмадан иборат бўлиши керак. Халқ судьяси, суд ижрочиси, уч котиб — халқ суди котиби, суд мажлиси котиби, котиб-машинкачи, дастёр-фаррош, жами 6 киши. Бунда идора мудири ва маслаҳатчи вазифалари йўқотилиб, уларнинг вазифаси суд секретарига юкланади.

Ҳозир эса ҳар бир халқ судьясининг икки котиби, суд ижрочиси бор, жами 4 киши, дастёр-фаррош йўқ. Бир котибнинг тоби қочса ёки меҳнат таътилида бўлса, халқ суди иши оқсайди. Битта котибнинг ўзи суд мажлиси протоколини ёзади, ҳукм ва қарорларни, бошқа ҳужжатларни машинкадан чиқаради, кўриладиган ишлар муддатини белгилайди, хабарномалар ёзади, яна бошқа қанча ишлар...

Агар участка тизими ташкил этилса, халқ судларининг ташкилий иши бирмунча енгиллашган бўлур эди. Бунда суд ўша ҳудудда жойлашган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, идоралар, ўқув юртларига хизмат кўрсатади. Район, шаҳар судларининг участка фаолиятида қандай афзалликлар бор?

Энг аввало биз жиноий ва фуқаролик ишлари, бошқа материалларнинг судга етиб келишидаги «пиллапоя» тартибига чек қўйган бўламиз. Жумладан, халқ суди идораси (канцелярия)да иш одатдагидек узоқ ётиб қолмайди, чунки ўша идоранинг ўзи йўқ бўлади. Демак, оралиқ бўғин йўқ, иш тўппа-тўғри ижрочи-судьянинг қўлига бориб тегади. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир халқ судьясининг шахсий масъулиятини оширади. Шунингдек, ҳар бир судьяга халқ маслаҳатчиларидан икки кишини ўринбосар этиб тасдиқлаш лозим, токи, судья йўқ пайтида улар иш кўраверадиган бўлсин. Бундай ўринбосарликка малакали юрист-маслаҳатчилар танланса мақсадга мувофиқ. Биз участка тизимини ташкил этишга уриниб кўрган эдик. Халқ судининг тавсияси билан Боғишамол район халқ депутатлари кенгаши раёсати 1990 йил 15 августда район ҳудудида 4 та участка судлари тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилган эди. Тажриба тариқасидаги бу тадбир туғилмасиданоқ Самарқанд вилоят халқ депутатлари Кенгаши раёсатининг 1990 йил 5 октябрдаги қарори билан йўққа чиқарилди. Бунда, участка суд тизимини ташкил этиш масаласи нимага керак бўлиб қолганини суриштириш учун вилоят кенгашига чақириб қизиқмаганликлари афсусланарлидир. Ҳолбуки, вилоят кенгаши масалани ўрганиб, маъқул топса Олий Кенгашга таклиф киритса бўларди. Оч қорним — тинч қулоғим қабилида иш тутиш ҳамон ҳукм суриб келаётганига бу ёрқин мисолдир.

Ҳозир халқ судлари жиноий ва фуқаролик ишлари бошқа материалларнинг судга етиб келишидаги «пиллапоя» тартибига чек қўйган бўламиз. Жумладан, халқ суди идораси (канцелярия)да иш одатдагидек узоқ ётиб қолмайди, чунки ўша идоранинг ўзи йўқ бўлади. Демак, оралиқ бўғин йўқ, иш тўппа-тўғри ижрочи-судьянинг қўлига бориб тегади. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир халқ судьясининг шахсий масъулиятини оширади. Шунингдек, ҳар бир судьяга халқ маслаҳатчиларидан икки кишини ўринбосар этиб тасдиқлаш лозим, токи, судья йўқ пайтида улар иш кўраверадиган бўлсин. Бундай ўринбосарликка малакали юрист-маслаҳатчилар танланса мақсадга мувофиқ. Биз участка тизимини ташкил этишга уриниб кўрган эдик. Халқ судининг тавсияси билан Боғишамол район халқ депутатлари кенгаши раёсати 1990 йил 15 августда район ҳудудида 4 та участка судлари тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида

ноий ва фуқаролик ишлари билан «кўмилиб» ётибди. Буни енгиллатиш учун меҳнат-фуқаролик ишларини касаба уюшмаларида кўришга бериш зарур. Барча мамлакатларда бундай ишлар касаба уюшмаси ва маъмуриятнинг ихтиёридадир. Улар барча бахсли масалаларни мавжуд қонун-қоидалар асосида ҳал қиладилар. Судлар эса бундан фақат хурсанд бўлишади. Чунки, мана энди бозор иқтисодиётига кириб келганимиздан сўнг корхоналарнинг ортиқча ишчи-хизматчилардан халос бўлишга интилиши, яъни «штат қисқариши» оммавий тус олади. Аслида қонуний ҳол ҳисобланмиш бу тадбирнинг юзлаб, минглаб жабрдийдалари «мени ишдан ноқонуний бўшатишди» мазмунидаги аризалар билан судга мурожаат этганида, судларнинг аҳволини бир кўз олдингизга келтиринг. Умуман, судлар кимни ишдан бўшатиб, кимни бўшатмасликни корхоналарга таъкидлаб турадиган шароитда бозор иқтисодиёти бўлиши мумкинми?

Мен хизмат вазифам юзасидан жиноят содир этган ўсмирлар, ҳунар-техника билим юртлари ва мактаб ўқувчиларига нисбатан ҳукмлар ёзишимга тўғри келган. Шу тажрибадан биламанки, бу тоифа шахслар кўпинча ҳуқуқий саводсизлиги оқибатида жиноятга қўл урадилар. Яъни, улар ўзлари қилаётган ҳатти-ҳаракат «жиноят» деб аталишини англаб етмайдилар. Нима қилмоқ керак? Умумий таълим мактабларида ҳуқуқшуносликка оид дарсни бошқа асосий дарслар қаторида жорий этиш лозим. Ҳозир ҳам 8-синфларда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» дарси бор. Уни жами 36 соат ўқитиш белгиланган. Биринчидан, бу кам. Иккинчидан, ўша «кам» дарсни ҳам ҳуқуқшунослар эмас, тарих ёки жамиятшуносликка ўқитувчилари ўқитишади.

Энди буни қаранг: тарих дарсига 700 соат ажратилган, ҳуқуққа 36 соат. Мен бу билан тарихни камситмоқчи эмасман, фақат ҳуқуқнинг «даражасини» кўз олдингизга келтириш учун қиёслаяпман. Ҳолбуки, шахс айнан шахс бўлиб ижтимоий онги шаклланадиган бир пайтда қонунларни ўрганиш ва қонунга нисбатан ҳурмат уйғотиш зарур. Бунинг учун эса муаллимлар ўрта махсус ва олий илмгоҳларида Давлат ва ҳуқуқ асослари кафедрасини ташкил этиб, бу мавзу бўйича дарс соатларини кўпайтириб, битирган талабаларни тўғри ўрта мактабларга йўллаш керак. Шунингдек, жойларда ишлаб турган ва нафақахўр ҳуқуқшуносларни ҳам мактабда соатбай ишга таклиф этиш кўп яхши натижалар берган бўлур эди.

Мен аминманки, бундай тадбирлар оҳир-оқибатда ўсмирлар ўртасида жиноятчиликни кескин камайтиришга хизмат қилади.

Сўнггида, ҳар бир судьяга тўғри келадиган иш юки ҳақида икки оғиз сўз айтсам. Йил давомида ҳар бир судья 430—450 та(!) жиноий, фуқаролик ишлари ва маъмурий материалларни кўриши керак. Демак, ҳар бир иш кунига 5—6 та иш тўғри келади. Бундан ташқари қабулга келувчиларга, ариза ва шикоятларни кўриб чиқишга вақт ажратиш лозим. Юқоридаги рақамлар судьянинг аҳволини яқкол тасаввур этишга имкон беради ва бундай «бетоб» аҳволни тезда даволаш зарур.

Азиз ЮНУСОВ,
Боғишамол район халқ судининг раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист.

БУ АЖАБ ДУНЁ

Сиз ака-ука Гриммлар эртагидаги кулчадан ясалган уйчани эсласангиз керак? Лекин унга ўхшаш мўъжизалар ҳаётда ҳам учраб туради.

Сингапурлик қандолатчилар суюқ шоколаддан Эйфель минораси нусхасини ясашди. Ширин миноранинг баландлиги 7,2 м оғирлиги 1600 кг.

Парижнинг бу кўзга кўринадиган обидасини бешта қандолатчи 4 ҳафта давомида ясади.

●

Питер Лардонг (ГФР) иссиқ шоколаддан пресланган граммофон пластинкасини ихтиро қилди. Уни 10 марта эшитиб, граммафон нинаси қолдирган излардан яроқсиз ҳолга келгач, эгаси пластинкани бемалол чой билан тановул қилиши мумкин.

●

Плюарзель (Франция)да пиширилган юпқанинг катталиги — эртакдагидай: деаметри 6 метрдан кўпроқ, умумий майдони эса 28 квадрат метр.

●

Фрежюс яқинида жойлашган, унча катта бўлмаган қишлоқ аҳолиси йиғим-терим тугалланишини ўзига хос байрам билан нишонлайди. Бу ерда энг тансиқ таом 10 минг дона тухум, бир неча килограмм туз ва қалампирдан пиширилган чалпак ҳисобланади. Чалпак диаметри 4 метр бўлган товада пиширилади.

●

Беш соатли тинимсиз меҳнатдан сўнг женевалик 12 та қандолатчи ўз маҳсулотларини йиғилганларга тортиқ қилди: бу — узунлиги 487,2 метр бўлган «Наполеон» торти эди. Олдинги рекорди 425 метр бўлиб, У Глана шаҳри қандолатчилари томонидан тайёрланганди.

Дилфуза ЮСУФБОЕВА тўплаган.

● *Китоб жавонига*

ТАЯНЧ НУҚТАНИ ИЗЛАБ

Ўрта мактабда ўқиб юрганимда "физика дарслигидан Архимеднинг «Менга таянч нуқтасини топиб беринг, унинг ёрдамида Ер куррасини ўз ўқи атрофидан чиқариб юбораман» деган сўзларини ўқиб, лол қолгандим. Шундан кейин таянч нуқтаси ҳақида қандай жумла учрайдиган бўлса, ёдимда муҳрланиб қоладиган бўлди.

Бугунги кундаги бош масала ҳар бир хонадонни тўқчилик, тўкинчилик сари қаратиш масаласи ҳисобланади. Осмондаги офтоб олис. Дастурхондаги бўш тобоқлар эса кўз олдимизда. Мана шу бўш тобоқларни жизбизли қозонга қаратадиган таянч нуқтани топиш мушкул бўлиб турибди ҳозир. Иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, Жумҳурият халқ ноиби Тўрақул Йўлдошнинг «Наврўз» нашриётида чоп қилинган «Ойдин кунлар олдинда» китобидан ўрин олган мақола ва ўйларда мана шундай таянч нуқтани топишга қаратилган изланишнинг гувоҳи бўламиз.

Қирқ саҳифалик бу мўъжаз китобчадан ўрин олган мақолалар унинг муаллифи сўзи билан иши бир инсон эканлигидан далолат беради.

Бугунги кунда масъулият учун кафтини тутадиган раҳбарларни топиш мушкул. Раҳбарлар орасида бир жойда қўним тўпиб ишлаш — қопқоронғи ғорда машъаласиз юриш билан баробар. Бир қадам нарида нима кутаётганлигини кўриш ва ғорнинг поёни қаердан чиқишини билишнинг сира иложи йўқ. Бир-икки йилда ўз курсисини ўзгартириб, ишнинг думини ҳуржунда қиладиган «сайёр» раҳбарлар замони ҳали тугагани йўқ. Тўрақул ака эса ўз мақолаларида халқ ва раҳбар орасида ўзаро ишонч қуруқ ваъдалар эмас, амалга оширилган ижобий ишлар заминидан ўсиб чиқишини таъкидлайди: «Мен ва ҳозирги ижрокўм раиси Зоир Зиётов Тошкентда турли лавозимларда ишлаб келдик. Гапнинг рости, иккаламиз ҳам ўзимизга тинч эдик. Хизмат машинамиз, яхши, шинам квартираларимиз бор эди. Лекин ҳар гал қишлоғимизга тўймаўраканларга келганимизда айрим раҳбарлар ҳалқ учун чинакамига қайғурмаётганликларига, ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганига гувоҳ бўлардик. Юртдошларимиз кўзидаги аллақандай ўкинч, илтижо бизни тинч қўймасди. Шу йилнинг бошида иккаламиз ҳам баридан воз кечиб, Иштихонни жумҳуриятдаги пешқадам туманлар даражасига кўтаришга бел боғладик...»

Китобга сўнгсўз ёзган академик Эркин Юсупов муаллиф ва унинг тумандошлари ҳақида қуйидагиларни айтади: «...Олти минг тонна пахтани қарийб 25 миллион сўмга айлантириш ёки олтмиш тонна пиллани 250 та енгил автомашинага айлантириш сирларини Тўрақул Йўлдошевдан сўранг. Йўқ, бу сирдан биргина ўша фидойи инсон эмас, минглаб иштихонлик пахтакорлар, чорвадорлар, боғбонлар, муаллим ва шифокорлар, бунёдкору соҳибкорлар жуда яхши воқифлар. Негаки, ўз меҳнатларининг қадрини улар биргаликда тушундилар, амалда синаб кўрдилар...»

Қадимги шоҳ ва амирларнинг саройида санъат ва адабиёт аҳли мавжуд бўлиб, улар ҳукмрон юрагида бош кўтарган қаҳр-ғазаб ўтини сўндирувчи меҳр-шафқат ёмғиридек таъсир этганлар. Инсон қалбида ҳам мана шундай қарамақарши туйғулар қўшничиликда яшайди. «Ойдин кунлар олдинда» китобининг «Ён дафтар»даги битиклар» фаслида шундай кўчирма бор: «Шоир бўлолмаганимга баъзан ўкинаман. Иккинчи севган касбим — санъаткор бўлиш эди. Гарчи уларга эриша олмаган бўлсам-да, шоирлардек халқ қалбини, дардини ҳис қилиб яшаётганимдан, ўз вазифаларимни санъат асари яратаётгандек илҳомланиб бажараётганимдан кўнглим таскин топади».

Бу жажжи тўплам раҳбар лавозимидаги юртдошимизнинг ўз фуқаролари, касбдошлари, мустақиллик сари илк қадамларини қўяётган она-Ўзбекистонимиз олдидаги ўзига хос ҳисоботидир.

Олиёр БЕГАЛИЕВ.

ҚАДР — БЕБАҲО

Жиззах вилоят ҳокимияти етим-есирларга, кам даромадлиларга, ғариб-муҳтожларга доимо бирдай ғамхўрлик қилишга уринмоқда. Зеро, хайр қилмоқ, саховатпеша бўлмоқ, етим-есирларнинг бошини силамоқ мусулмончиликнинг ҳамиша энг олий фазилатларидан саналиб келган.

Навоий жамоа хўжалигида яшовчи саккиз фарзанднинг онаси Каромат Шодиеванинг уйи бир фалокат туфайли ёниб кетиб, қиш куни кўчада қолишган эди. Ҳокимият онлани вақтинча уй билан таъминлади, ёнган уйни таъмирлаш ишларини ташкил этди. 1500 сўм ёрдам пули берди. Шунингдек, меҳр-шафқат жамғармаси ҳам онлага минг сўм пул, болалар учун кийим-кечак ажратди.

Гулистондаги болалар уйида жиззахлик 32 нафар етим тарбияланар экан. Ҳокимлик болаларга икки минг сўмлик совға улашди, бундан буён улардан доимий хабардор бўлиб турадиган махсус киши тайинланди.

Жиззах ўқитувчилар олий илмгоҳида таҳсил оладиган кам даромадли 80 нафар студентга ҳар бири 200 сўмлик совға-салом ҳадя этилди. Уларнинг олти нафарини пайпоқ тўқиш фабрикаси, олти нафарини автотрест бошқармаси доимий стипендия билан таъминлаб турадиган бўлди.

Қаровчисиз қолган 30 қарияга ҳам икки минг сўмлик буюм ҳадя этилди.

Тўғри, бу пуллар бугунги кунда кимларгадир арзимас бўлиб туюлиши мумкин. Аммо вилоят бюджети катта ҳамомадга дуч келган ҳозирги кунда имкон топиб, кўнгилдан чиқариб бировга ёрдам кўрсатаётган экан, бу ҳолни фақат табриклаш керак.

Абдулқосим МУҲАММАДРАСУЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• ҚАДРИЯТ •

КЎНГЛИ ЯРИМЛАР ТЎЙИ

ЯҚИН ўртада Фарғонада бундай тўй-тантана бўлганини қувваи ҳофизам хотирлай олмайди. «Олтин водий» рўзномаси ижодкорлари ташкил этган тўйнинг довруғи бутун водийга ёйилди. Журналистлар саъй-ҳаракати билан вилоятдаги турли болалар уйларида истиқомат қилаётган, лекин «қўли ҳалолланмаган» болакайлар номидан элга дастурхон ёзилди, ош тортилди.

Бу хайрли маъракага вилоятнинг энг чекка Яккатут қишлоғидан Қувагача, Езёвон чўлқуварларию Шоҳимардон мардлари, Қўқону Марғилондан, Тошкенту олис Туркиядан меҳмонлар таклифсиз, ҳиммат-ларига яраша совғалар билан келдилар, бел боғлаб хизмат қилдилар.

Вилоят ҳокими Ғулом Фозилов тўйбошилардан бири бўлди. Ҳоким 14 тўйболанинг ҳар бирига 1000 сўмдан тўёна пули ёзилган омонат дафтарчаларини топширди. Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Эркин Воҳидов тўйхонага кириб келишганда даврага янада файз кирди. Эркин ака фарзанд қадри, азизу мўътабарлиги ҳақида шеър ўқиятти-ю, эрта тонгдан редакция ҳовлисида беқасам тўн, амиркон этик, марғилон дўппи кийиб олган, тўйим бўлаяпти деб оламга сиғмай, жўралари билан югуриб юрган Умиду Беҳзодлар, Ҳасану Ҳусанбой, Назиртойю Рустамжон, ака-ука Эрвину Эрвислар бир-бир кўз олдимдан ўтди. Томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлди. Энтикиб-энтикиб кетасан киши... Балки бу кун шу норасида ғўдаклар ота ўгитига, она меҳрига зор ўсмирлар ҳаётида энг қутлуғ кундир. Қўллар дуога очилди. «Шундай кунлар тўйчи болаларга доимо ҳамроҳ бўлсин!».

Вақтли матбуотда меҳр-мурувват, саховат, имон ва диёнат ҳақидаги мақолалари билан яхши таниш бўлган Нурилло хожи Абдуллоҳ ўғли ҳар бир тўйчи болага 1000 сўмдан тўёна қилиш билан бирга маросимга туркиялик ватандошимиз Лутфиллоҳ Темур ҳазратларини бошлаб келибди. У кишининг дил сўзларига қулоқ тутамиз:

— Боболаримиз юртида етимлар бошини силаш, сағирларга меҳр-мурувват кўрсатишдек саховатли ишлар сақланиб қолганлигидан ҳаяжондаман. Истиқлолга, мустақилликка ҳасанотлар бўлсинким, биз, хориждаги туркистонликлар ҳам етмиш йиллик етимликдан сўнг юртимиз дийдорини кўрдик. Мусулмончиликнинг асл қоидаларидан бири— суннат тўйини ижодкорлар, рўзнома ходимлари зиммасига олганлиги ҳали мафкурамизда соғлом кучлар, ислом ғояларига эътиқод мустаҳкам сақланиб қолганлигидан далолатдир. Мен тўй болаларини расман Туркияга таклиф қилдим. Бу муродим, албатта ҳосил бўлади, деб ўйлайман.

Тўй... Яхши ният билан бошланган оддийгина маъракабутун водийга донғи кетган тантанага айланди. Тўйбоши «Олтин водий» жамоаси. Лекин тўйни тўй қилган, дастурхонни безаган — ҳомийлар. Таҳририятга бир қатор ташкилотлар, корхоналар раҳбарлари маслаҳат машваратига таклиф этилиб, юз истиҳола билан мақсад баён этилганда ҳамма бирдай маъқул деб топди. Ўзаро тақсимотсиз кимдир сўқимни, яна кимдир уну гуручни, бошқаси масаллиқни, айримлар бел боғлаб хизмат қилишни зиммага олдилар.

— Тўй сўқимини зиммага олиб, ўйланиб қолдим, — деди Тошлоқ районидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Неъматжон ака Умаров. — Ахир бўрдоқи жамоа мулки, кўпчиликдан ҳар хил фикр чиқади. Юз истиҳола билан хўжалик маслаҳат кенгашини тўпладим. «Олтин водий» етим-есирларга, сағирларга тўй қилаяпти экан. Биз ҳам четда қараб турмасак, дейишим биланоқ, тўпланганлар «тўйни биз ўтказамиз, сарф-харажат ҳам бизнинг гардонимизга» дея якдил фикр билдиришди. Бўрдоқига боқилаётган энг семиз новвосни тўйхонага етаклаб, ўзимиз саранжомлаб бердик. Тўй куни қишлоғимиз кексалари сўриларда савлат тўкиб ўтиришди, хатми Қуръон ўтказишди. Ёшларимиз саҳардан то тунги базмгача хизмат қилишди. Ажойиб, танти саховатга пешкаш халқимиз бор!

«Тўй кўпчилик билан» деб бежиз айтилмаган. Тўйга ҳамма ҳиссасини қўшди. Қува матлубот жамиятлари уюшмаси 20 минг сўмлик тўй масаллиғини келтирди. Риштон агросаноат комбинатидагилар тўйхонани ширинлигу қандолатларга тўлдириб юборишди. Учкўприк районидаги Мирзааҳмад Деҳқонов номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари сабзи, пиёздан тортиб кўк чойу қора чойгача етказиб беришган бўлса, Қиргули савдо идораси жамоаси ошнинг гуручию ёғи билан таъминлашди. Тўй баҳона болалар уйига олтиариқлик матлуботчилар 70 минг сўм ўтказишди. Маматхон ота кичик ўғли Ўзбекистон халқ депутати Юсуфжон Иброҳимов билан 10 минг сўм тўёнани тўйболалар киссасига солиб қўйишди. Охунбобоев районидан Раҳимали Ҳамроалиев, марғилондан Авазхон Мухторов, Учкўприк ҳокими Нўъмонжон Исмоилов, журналист Абдуназар Худойназаров... Бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин.

Ўзбекистон халқ депутати, Риштон агросаноат комбинати бош директори Аркадий Авестисовни кўпчилик ишбилармон, тадбиркор раҳбар сифатида яхши билади.

— Ўзбекистон, ўзбек халқи Улуғ Ватан уруши йилларида минглаб етим-есирларни бағрига олган, бошпана берган, — дейди Аркадий ака. — Бу ерда болалар уйлари, етимхоналар бўлмаслиги керак. Жамоамиз аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб 30 сағирни тарбиялаб вояга етказишни зиммамизга оламиз. Улар ош-нонга эмас, ота ўгити, она меҳрига зор-ку!..

Тўйда фақат тўйболалар эмас, уларнинг жўралари, опа ва сингиллари ҳам яйрашди. Улар автобусларга ўтириб, бутун шаҳарни айланиб, тўйга чорлашди. Ош тортилгандан сўнг болалар уйининг тарбияланувчилари йиғилганларга концерт қўйиб беришди. Айниқса, Қўқондаги 12-болалар уйининг тарбияланувчиси Шоҳистанинг она тўғрисидаги ашуласи дийдаси тошқотганларнинг ҳам кўзларига ёш эндирди. Нақадар мунгли, кишини ўйга толдирувчи сатрлар, имон-эътиқодга чорловчи оҳанглар:

Излаб сизни, излаб онажон,
Ҳеч қаердан топа олмадим.
Тошдек қаттиқ муз
кўксингизга
Уксик бошим қўя олмадим.
Тирикмисиз, бағримни очай,
Марҳуммисиз, қабрингиз
қучай,
Гар беморсиз, парвона бўлиб,
Ўзим ҳокипойингиз ўпай.
Қучоқ очиб қучсайдим, қани,
Юзлариздан ўпсайдим, қани,
Болажонлар етим ўтмасин,
Онажонлар ташлаб кетмасин.

Шу дамда бу мунгли қўшиқни тинглаган наинки одамзод, балки бутун борлиқ, табиат ҳам гўё наъра тортгандай туюлди менга...

Бу хайрли ишнинг тепасида турган рўзнома бош муҳаррири Дониёр ака Эргашев бошлиқ ижодкорларга тасанно деймиз.

Йиллар ўтар, замонлар айланар, иқтисодий қийинчиликлар унутилиб, порлоқ кунлар ҳам келар. Лекин ишончим комилки, бу тўй қўли ҳалолланиб, чинакам мусулмон бўлган 14 сағирнинг ёдидан сира чиқмагай.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи»нинг ўз мухбири.

СУРАТЛАРДА: тўйболалар (чапда); тўйга келган меҳмонлар.

Ш. АЛИМОВ сурати. (ЎзА).

Санъат ҳангомалари

ЙЎЛИНИ ТОПДИ

Артист қарол ролини ўйнарди. Бой билан учрашадиган саҳнада ёпиштирилган мўйлаб ҳадеб тушиб кетаверди. Ахийри ҳижолатдан чиқиш йўлини топди. Бойга қарата сўзларкан: — «Эшигингизда хизмат қилавериб эзилиб кетдим, бой ота. Меҳнатдан, мана, мўйлабим ҳам тўкилиб кетди!» — деди-да, лабида илинib турган мўйлабини шарт юлиб отиб юборди.

МАЙДА ЙЎҚ

Машҳур артист «Фарҳод ва Ширин»да Хисрав ролини ижро этарди.

Хисрав спектакль пайтида Фарҳодни банд қилган Ёсуманга «Шоҳаншоҳи Хисравдин сенга бир ҳалта олтин ҳадя этурман!» деди-да, қўйнига қўл солди. Лекин қўйин чўнтагидан қўли бўм-бўш чиқди. Маълум бўлдики, артист реквизитордан ясама олтинлар солинган халтачани олишни унутган экан. Санъаткор ўзини йўқотмай Ёсуманга бамайлихотир қуйидаги жавобни берди:

— Ҳозир майда йўқ экан, кейин келурсан!

ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

МУБОРАК шаҳрида очилган бу илм масканида сентябрдан бошлаб 120 талаба тўртта гуруҳда сабоқ олади. Келгуси йилдан шифохоналар учун тақчил ихтисосликлар бўйича ҳам янги гуруҳлар ташкил этиш режалаштирилмоқда. Билим юрти учун шаҳар шифохонасининг эски биноси бўшатиб берилди. Ҳозир ўқув биноси, ётоқхоналар таъмирланаяпти.

Шу кунларда тиббиёт билим юрти учун ўқитувчилар танлаб олинаётир, ўқишга қабул қилиш талаблари ишлаб чиқилмоқда.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

● **СУРАТДА:** Кўргазма залида.

С. ВЕЛИЧКИН олган сурат (ЎзА).

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

ТУРКИСТОН Ҳарбий Округи қўшинлари тарих музейининг залида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» Самиғ Абдуллаевнинг шахсий кўргазмаси очилди. У рассом таваллудининг 75 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 55 йиллигига бағишланган. Бу ерга келганлар мўйқалам устасининг кўргазмага қўйилган рассомлик, графика ва ҳайкалтарошликка оид ишларини катта қизиқиш билан кўздан кечирмоқдалар.

С. Абдуллаев изланувчан ва моҳир санъаткор. У ярим асрдан зиёд вақт мобайнида кўплаб портретлар, пейзажлар, натюрмортлар, жанр характеридаги асарлар, тарихий-инқилобий мавзуларга оид полотнолар яратди.

Самиғ ака Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Шунинг учун ҳам кўргазмадаги бир қатор асарларда ўша оловли йиллар воқеалари, уруш қаҳрамонлари акс эттирилган.

Мўйқалам устасининг «Чирчиқ водийси», «Дўстлик», «Пейзаж», «Майин гуллар», «Тўлқин», «Денгиз устидаги булутлар», «Санаторий», «Мевалар», «Ат Термизий масжиди» каби асарларига кўргазма экспозицияларидан кенг ўрин берилган. Ижодкорнинг оташқалб, нозик дид ва ҳаёлотли кўрсатмалари билан яратилган бу асарлар ўзининг замонавийлиги, ноёблиги, нафислиги, бўёқларининг ранг-баранглиги, тиниқлиги, ҳаётийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уларнинг ҳар қайсиси катта маънавий аҳамиятга эга бўлиб, томошабинга ўзгача бир эстетик завқ бағишлайди.

С. Абдуллаев кўплаб кўргазмаларда фаол қатнашган. Унинг асарлари қардош республикалар ва собиқ иттифоқ бўйлаб кўп марта намойиш этилган. Шунингдек, Монголия, Вътнам, Япония, Финляндия каби хорижий мамлакатлар санъат мухлисларида унутилмас таассурот қолдирган.

— Ижодкор учун ўз жонажон элига хизмат қилишдан ҳам ортиқ бахт борми, — дейди Самиғ Файзулович.—Мен бир мўйқалам соҳиби сифатида мустақил Ўзбекистон, унинг халқи учун меҳнат қилаётганимдан ниҳоятда хурсандман. Халқимизда кетмиш ғўзалликнинг биттаси — меҳнат» деган ажойиб бир мақол бор. Мен ўз ҳаётим ва ижодимда ана шу мақолга амал қилмоқдаман.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Акс-садо **«САХОВАТПЕШАЛАР»**

(1992 ЙИЛ, 28 ЯНВАРЬ)

«Халқ сўзи» олтиариқлик диёнатли кишилар ҳақида ҳикоя қилиб яхши иш бошлабди. Ўқиб, вайрон бўлиб ётган кўнглимга ҳовур текандай, илигандай бўлдим. Ўша оқшом кўп нарсалар ҳақида ўйладим. Оғизда биз ҳаммамиз миллатпарвармиз: меҳр-оқибат, бирлик, биродарлик ҳақида соатлаб ваъз ўқишимиз мумкин. Лекин амалда нечтамиз миллат учун шахсий ҳузур-ҳаловатимиз, нафсимиздан кеча олар эканмиз?! Нечтамиз «мен»имизни «биз» йўлига тикар эканмиз?! Агар кечганлар, тикканлар кўп бўлганида эди, биримизнинг ошхонамиздаги музлатгич сариёғдан димиқиб ётганда, яна бировимиз йўтал боламизга шифо учун бир қошиқ сариёғ излаб юрмасдик. Бировимиз нон сўраган оғзимиз қонга тўлиб, ўлим билан олишиб ётган тунда яна бировимиз бемалол ухлаб ётармидик?

Гапларим шунчаки суврат бўлиб қолмаслиги учун биргина далил келтирай. Тошкент дорилфунунини битирган бир қизни биламан: ярим йилдан буён шу шаҳарда ишсиз юрибди. У баъзилардай шаҳар «иссиқкина жой» бўлгани учун бу ерда қолмаган. «Иккита синглим Тошкентда ўқияпти, тирикчилик оғир. Қишлоққа кетсам, кафтдай газетадан иш тегадими, йўқми, тегса қанча маош олардим? Бу ерда нашр кўп, астойдил ишласам, ўзим, сингилларимнинг юки отамга тушмайди, ўзи у ёқдагиси етарли...» деган мулоҳаза олиб қолган уни. Қизгина узоқ вақт паспортини прописка қилолмай юрди. Охири йўли топилди: қарз қилиб, бу ишни эплади. Энди бир ойдан кўпроқ бўлди: радионинг бир бўлимида, синовда. Бўлимда иш бор, тайёрлаш материаллари эфирга кетаяпти, лекин ишга олишмаяпти. Мен аминманки, ўша бўлимдаги қоракўзларнинг ҳаммаси ҳеч бўлмаганда бир мартадан халқимиз учун ҳар қандай бирликка тайёр эканлигини ё айтган, ё ёзган бўлса керак. Лекин кўз ўнгида қийналиб юрган халқнинг бир парчасига эътиборсиз... Агар эътиборли бўлса «Қиз бола ярим йилдан буён бошпанасиз, пулсиз қандай кун кўраяпти?» деб ўйламайдими?

Хуллас, меҳрга, эътиборга муҳтожлару бемеҳр, беэътиборлар беҳисоб.

Шундай кунда Қодиржон Иброҳимовдай савдо кишиларининг борлиги кўнгилга бир таскин. Зора, бу киши қилаётган ишлар ҳақида шунчаки ўқимасак, очиқ кўз билан таҳлил қилсак. Қандай одамни бошчи қилсак ярамизга малҳам бўлиши тўғрисида жиддийроқ ўйласак, биров «Шу пайғамбаринг» деса «қуллуқ», «бу худоинг» деса, яна «қуллуқ» деб турavермасак...

Шунда дўконлар орқасида зўру зарлар учун пинҳона эшиклар бўлмайди. Энг муҳими, инсоний талаб билан кўчага чиққан одамларга «Тарқал!», «Кунингни кўрсатаман!» деб бақирилмайди. «Жигарларим...» Жуда бўлмаса, «Инилар, укажонлар, нима гап?» дейиладди...

Зора...

ҚУТЛИБЕКА.

СУЯК

Ҳажвия

Ушбу ҳажвия ўша ёмон қассоблар ҳақида.

Жалил қассобнинг кўриниши жуда қизиқ. Бўйни узун, ингичка. Ўн беш килолик тарвузни ширириб олгандек қорни дўмпайиб чиққан. Хотини Анора эса хўппа семиз, юмалоқ. Гапирганда пиш-пишлаб туради. Орқаворотдан қўшнилар уни паравоз дейишади.

Хасисликда қассобнинг олдига тушадигани йўқ. Итнинг ичагига ҳасиб қуйганлардан. Одамлар «сичқонга ҳам кепак олдирмайди», деб таърифлашади.

Кечқурун оила аъзолари дастурхон атрофида жамулжам бўлишди. Қассоб ўғиллари Топил билан Қурбоннинг ҳафсала билан суяк ғижишларига ғалати тикилиб турди. Топил дастурхондаги тозаланган уч-тўрт суякни олдига тўпди.

— Буларни нима қиласан?— сўради ота.

— Итга бераман, — деди Топил.

Қассоб лабларини қимтиб, аламли иржайди:

— Ўнг қулоқларинг билан ҳам, сўл қулоқларинг билан ҳам эшитиб олгин. Ҳозирги шароитда итга суяк бериш — уят. Кўрнамаклик. Айниқса биз учун. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ. Кези келганда сенларга уқтириб қўяй. Бугундан иборат бирортангнинг итга суяк ташлаганингни кўрсам, мендан ўпкалама. Аксинча, кўча-куйда, йўлда, қўни-қўшниникида суяк кўрсанг, аста уйга ташиб келтир.

Қурбон таажжубда сўради:

— Уларни нима қиламиз?

— Бердисини айтгунча сабр қил. Ўша ташлаб юборилган суяклар бизга лўқ гўшт ёки жарақ-жарақ бўлиб қайтади. Укдиларингми?

Отасининг гапларига Топил ҳайрон бўлди:

— Унда итлар нима ейди?

— Бу сенинг ишинг эмас, итларнинг иши. Ҳозирги пайтда фақат ахмоқ, тўқликка шўҳлик қиладиган одамларгина итга суяк беришади. Улар билишмайди, ё фаросати етишмайдики, суякларни қайнатсанг бир маҳал (икки маҳал овқат қиладиганнинг ўзи йўқ)лик овқатни кўтаради.

— Мактаб ошхонасида ҳам суякларни ташлаб юборишади, ўшаларни ҳам олиб келаверайликми, дада, — сўради Қурбон.

— Ўзи мактабдан суяк ошадими?

— Ҳа. Фақат катталари!

— Секин олиб келавер. Биров сўраса, итимизга деб айт. Сенлар ҳам темир-терсак олиб борасанлар-ку, мактабдан ҳам нимадир олиб келсаларинг камайиб қолмайди.

Хотин хўп дейишга эринди шекилли, бошини қимирлатиб пиш-пишлаб қўйди.

Қассоб дастурхонга дуо қилди:

— Омин, олайлик, олдирмайлик, биримиз икки, иккимиз ўн бўлсин, харидорларга ўзинг инсоф ато қилгин, омин оллоҳу акбар!

Топил суякларни йиғиштирди.

— Дада, буларни қаерга қўяй?

— Менинг сумкамга солиб қўй!

— Хўп бўлади!

Шу кундан бошлаб уйга суяк ташиш бошланди. Аммо қўни-қўшни, маҳалла-куйдаги итларнинг хуруши кучайди...

Бугун қассоб уйга эрта қайтди. Хотини билан телевизор томоша қилиб ўтирганди, ҳовқат элитиб, уйқусираб ўтирган хотини гапга аралашди.

— Қўйинг-е, дадаси, ппиш... Уят бўлади-я, пиш-и...

Қассобнинг боши хўрознинг бошидек тез силкинди.

— Уят? Қанақа уят? Нима у ўзи? Ҳозир уятчанг одам очидан ўлади, билдингми, товуқмия? Эркак киши гапирганда тилингни тишлаб ўтир!

Аноранинг пиш-пиш аралаш жаги-даҳани очилди.

— Хў ўша суяк ҳам қуриб кетсин. Пасткашлик ҳам эви билан-да. Еб тўймаган ялаб тўярмидик. Кўча-куйдан, итларнинг олдидан суяк тўплаб, очкўзлик қилмасак, бошимизга шунақа кунлар тушмасди.

Фалокат бир келса кетмакет келаркан. Қассоб дўхтирга суяксиз гўшт бериб, ўғлининг қўлини энди тузатганди-я...

Кўчадан кирган қассобнинг кўзи бир ликоб суякни ғажиётган шахсий итига тушдию, ҳамма нарсани унутди. Калласи қичқираётган хўрознинг бошидек силкинди.

— Ҳеч бўлмаса ярмини олиб қўйишмайди-я, кўрнамаклар!

У ит олдидаги суякларга қўл чўзди. Ит юзингда кўзинг борми демай, қассобнинг қўлини шартта тишлаб олди. Қассоб қичқирди.

— Анора, Қурбон, Топил...

— Ҳозир, дадаси. Пиш-пиш...

Тўхташ АШУРОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Анвар ЖУРАБОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Таҳририятга ҳажми 9 бетдан ортиқ мақолалар қабул қилинмайди. Топширилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

Алоқа учун телефон: 33-07-48, Индекс: 64608. Буюртма Г—86.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

100000 нусхада чоп этилди. Босишга топширилди 21.00. Босишга топширилди: 20.00.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12